

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АКРАМОВА НОДИРА ШУХРАТОВНА

**КЛИНИК-ИММУНОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР АСОСИДА
ХУСУНБУЗАР МУЖМУАВИЙ ТЕРАПИЯСИНИНГ
ПАТОГЕНЕТИК АСОСЛАШ**

**14.00.36 – Аллергология ва иммунология
14.00.11 – Дерматология ва ва венерология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Акратова Нодира Шухратовна Клиник-иммунологик тадқиқотлар асосида хусунбузар мужмуавий терапиясининг патогенетик асослаш.....	3
Акратова Нодира Шухратовна Патогенетическое обоснование комплексной терапии вульгарных угрей на основе клинико-иммунологического исследования.....	26
Akratova Nodira Shukhratovna Pathogenetic rationale for complex therapy of acne vulgaris based on clinical and immunological studies.....	48
Эълон қилинган нашрлар рўйхати Список опубликованных работ Lists of published works	52

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АКРАМОВА НОДИРА ШУХРАТОВНА

**КЛИНИК-ИММУНОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР АСОСИДА
ХУСУНБУЗАР МУЖМУАВИЙ ТЕРАПИЯСИНИНГ
ПАТОГЕНЕТИК АСОСЛАШ**

**14.00.36 – Аллергология ва иммунология
14.00.11 – Дерматология ва ва венерология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Tib2174 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация Бухоро давлат тиббиёт институти бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.immuno.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарчилар:	Абдурахманов Мамур Мустафаевич тиббиёт фанлари доктори, профессор Азизов Баҳадир Садикович тиббиёт фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Вайсов Атхамжон Шовкатович тиббиёт фанлари доктори, профессор Файзуллаева Нигора Яхяевна тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази

Диссертация ҳимояси Иммунология ва инсон геномикаси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 рақамли бир марталик Илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ кунни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Я.Ғуломов кўчаси, 74.Тел./факс (99871) 233-08-55, e-mail: immunology@immuno.uz).

Диссертация билан Иммунология ва инсон геномикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Я.Ғуломов кўчаси, 74. Тел./факс (99871) 233-08-55.)

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ кунни тарқатилди.
2025 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Т.У. Арипова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

Х.М. Хатамов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

А.А. Исмаилова

Илмий даражаларни берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сўнги йилларда дерматологик, айниқса терининг яллиғланиши билан кечадиган касалликларни олдини олиш ва даволаш замонавий дерматологиянинг муҳим муаммолардан бўлиб қолмоқда. Айниқса хусунбузар касаллиги билан боғлиқ муаммолар, унинг юзнинг ташқи юзаси эстетик кўринишига таъсири, психосоматик стресс ҳолатлари ва ҳаёт сифатини сезиларли даражада пасайтиришга олиб келмоқда. Мутахассислар маълумотиغا кўра, «... вулгар акне ёки оддий акнелар (*acne vulgaris*, акне) кўринишидаги тери зарарланишлари асосан ўсмирлар ва ёшларнинг 80% дан ортигида кузатилмоқда»¹. Хусунбузар касаллиги ва функционал диспепсияни ўзаро боғлиқлиги, тарқалишининг юқори даражада эканлиги, патогенезнинг мураккаблиги, ижтимоий оқибатлари, ушбу ҳолатларни эрта клиник-иммунонологик ташхислаш, даволаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва уни амалий тиббиётга тадбиқ қилишни тақозо этмоқда.

Жаҳон миқёсида дерматологик касалликларини эрта босқичда ташхислаш, олдини олиш ва даволаш чора-тадбирларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада дерматология касалликларида биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичлар ҳолатини аниқлаш, акне келиб чиқиш механизмларини аниқлаш, акне иммуногенезида яллиғланиш маркерлари аниқлаш, тери юзаларида *Propionbacterium acne* кўринишидаги патоген микроорганизмлар колониялари кўпайишини олдини олиш усулларни оптималлаштиришга бағишланган изланишлар илмий-тадқиқотларнинг устивор йўналиши бўлиб қолмоқда. Шулар билан бир қаторда, акне ва функционал диспепсияни ташхислаш усулларини такомиллаштириш, даволаш, профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли чоралар орасида дерматологик касалликларни эрта ташхислаш ва комплекс даволашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етита устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтариш, соғлом муҳит яратиш, айниқса, акне ва функционал диспепсия билан касалланган беморларда иммун тизим фаолиятини ҳар томонлама аниқлаш ва даволашга янги ёндошувлар ишлаб чиқиш, касалланиш даражасини камайтириш алоҳида аҳамият касб қилмоқда.

¹ Арифов С.С., Эркинлар З.Э., Маликова Н.Н. Топические методы терапии больных с акне и постакне // Дерматовенерология и эстетическая медицина. - Ташкент: ООО «Niso Poligraf». - 2021. - № 1-2. - С.56-60.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиётстратегияси тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохатлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги фармонлари, 2017-йил 20-июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикасида аҳолига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Функционал диспепсия (ФД) кўп белгили хасталик бўлиб, унинг асосида меъда шарбати секрецияси, овқат ўтишида гастродуоденал моторика бузилишлари ётади, айнан шу ҳолатлар оқибатида меъда шиллиқ қаватида патологик ўзгаришлар содир бўлади. Бунда шунда айтиш керакки, овқат хазм қилиш жараёнларининг бузилишлари, аутоиммун реакциялар механизми ишга тушишига олиб келадиган патогенездаги рухий-ҳиссий, стрессга доир ва асаб омиллари асосий бўғин ҳисобланиб, турли патологик ўзгаришлар, шу жумладан тери ўзгаришлари, яъни оддий акне билан ҳам намоён бўлади (Кучерявый Ю.А. ва ҳаммуал., 2014; Сохибова З.Н., 2020; See J.A. et al., 2018). Буларнинг барчаси умумлашиб патологик жараённи оғирлаштиради, муносиб иммун жавобини шаклланиш механизмларининг бузилишига олиб келади, яллиғланишга қарши цитокинлар ва яллиғланишни бошқа медиаторлари мувозанати ўзгаришига сабаб бўлади, бу эса кўплаб тадқиқотчилар фикрига кўра, акне кечишининг сурункали тус олиши, даволаш мураккаб бўлган қайталаниш ҳолатларининг юзага келишига олиб келади (Тлиш М.М., Шавилова М.Е., 2017; Сорокина Е.В. и соавт, 2018; Арифов С.С. и соавт, 2021; Barbaric J. et al., 2018).

Бу вазият асносида турли оғирликдаги акнени комплекс даволашга иммунмодуляторлар ёки иммунтроп таъсирга эга бўлган бошқа дори воситалари кўринишидаги иммункоррекцияловчи терапиянинг киритилиши истиқболли кўринадиган Ушбу дорилар гуруҳи клиник ремиссиянинг узок муддатли таъсири билан 70% дан ортик ҳолларда акне клиник кўринишининг жиддийлигини ишончли тарзда пасайишига олиб келади (Круглова Л.С. ва ҳаммуал., 2018; Дворянкова Е.В. ва ҳаммуал., 2018; Вовк Е.И. ва ҳаммуал., 2018; Kim J.E. et al., 2018; Stewart T.J., Bazergy C., 2018). ФД мавжуд беморларда хуснбузар касаллигини (ХК) даволашни терапевтик тактикасини

танлаш масаласига асосли ва тизимли ёндашувнинг йўқлиги аниқланган, уни, шубҳасиз, замонавий воситалар билан комплекс даволаш билан бир қаторда, ФД фонидаги вулгар хуснбузарлар ривожланишининг универсал механизмларига таъсирини инобатга олиб ҳал қилиш керак (Баринова А.Н., 2018; Вайсов А.Ш. ва ҳаммаул., 2022; Wang Y. et al., 2018; Skroza, N. et al., 2018).

Мавжуд маълумотларнинг таҳлиliga кўра, ФД мавжуд беморларда акнени даволашнинг терапевтик тактикасини танлаш масаласига асосли ва тизимли ёндашувнинг йўқлиги аниқланган, уни, шубҳасиз, замонавий воситалар билан комплекс даволаш билан бир қаторда, ФД фонидаги вулгар хуснбузарлар ривожланишининг универсал механизмларига таъсирини инобатга олиб ҳал қилиш керак. Демак, ФД мавжуд беморларда акнени иммунологик бузилишларининг прогностик ахборотини аниқлаш, касалликнинг олдини олиш мақсадида комплекс терапияда иммун дисфункцияни профилактика қилиш алгоритмини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади, уларнинг ечими мазкур тоифа беморларни даволаш натижаларининг яхшиланишига ёрдам беради. Муаммонинг долзарблиги ва шу хасталикдан азият чекаётган беморларнинг катта миқдори, мазкур мавзу бўйича бўлажак тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти ушбу диссертация мавзусини танлашга имкон берди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №05.2022 PhD 143-сонли «COVID-19 инфекциясидан кейин Бухоро минтақаси аҳолиси соғлиғига таъсир қилувчи организмнинг патологик ҳолатини эрта аниқлаш, даволаш ва олдини олишга янги ёндашувларни ишлаб чиқиш (2022-2026 йй.)» амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади клиник-иммунологик тадқиқотлар асосида хуснбузар мужмуавий терапиясининг патогенетик асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

функционал диспепсия билан касалланган беморларда акне клиник кўринишларининг тавсифи, учрашини аниқлаш ва баҳолаш;

функционал диспепсияли акне билан касалланган беморларда иммунитет дисфункцияси ривожланиши механизмларини аниқлаш;

клиник-иммунологик тадқиқотлар асосида функционал диспепсияли беморларда акнени патогенетик комплекс даволаш усулларини ишлаб чиқиш;

функционал диспепсияли беморларда акнени анъанавий ва комплекс давога иммуномодулятор глюкозаминилмурамилдипептидни киритиш орқали даволаш самарадорлигини клиник-иммунологик қиёсий таҳлиллаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2019-2022 йилларда Республика клиник тери-таносил шифохонасида даволанган 18 ёшдан 35 ёшгача акне билан касалланган 126 нафар беморлар ва 21 нафар амалий соғлом шахслар олинди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида акне билан касалланган беморлар вена қони ва қон зардобы иммунологик тадқиқотлар учун олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, иммунологик, функционал ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор акне ва функционал диспепсия билан касалланган беморларда *Helicobacter pylori* инфекцияси сабабли келиб чиққан яллиғланишли акне-элементлари намоён бўлишининг клиник манзараси (оддий акне/папуло-пустулез, кеч акне, конглобат акне шаклларида) кўринишлари ва яллиғланиш жараёнларининг (юз, юз ва бел, бел, кўкрак, бўйин ва бошнинг сочли қисмида) тарқалиши ҳолатлари аниқланган;

илк бор акне ва функционал диспепсия билан касалланган беморларда IFN γ , IL-4 миқдорлари камайиши фонида IL-1 β , IL-2, VEGF цитокинлар миқдори ортиши сабабли яллиғланишга хос ва қарши цитокинларнинг дисбаланси юзага келиши исботланган;

илк бор акне ва функционал диспепсия билан касалланган беморларда таклиф этилган даволаш усулининг самарадорлиги сабабли IL-1 β , VEGF, IL-10 ва IFN- γ миқдор кўрсаткичларининг узок муддатли (6 ва 12 ой) кузатув даврида муқим меъёрда сақланиши аниқланган;

илк бор акне ва функционал диспепсия билан касалланган беморларда стандарт даволашга модифицирланган ёндашув (глюкозаминилмурамил-дипептид, эрадикацион антихеликобактериал терапия, тримебутин прокинетици, гастропротектор ребамипид, тофизопам транквилизатори, энтерол пробиотигини биргаликда қўллаш) сабабли иммункоррегирловчи самара ва яллиғланиш жараёнига қарши таъсир ортиши иммун тизими цитокинлари балансига олиб келиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаларига қуйидагилар киради:

акне ва функционал диспепсия билан касалланган беморларда иммунитет цитокинлари (IFN γ , IL-1 β , IL-2, IL-4, IL-10, VEGF) кўрсаткичлари миқдори ўзгаришларини аниқлаш асосланган;

функционал диспепсиянинг яширин симптомларини аниқлашга қаратилган саволлардан иборат сўровнома ишлаб чиқилган;

акне ва функционал диспепсия билан касалланган беморларда стандарт даволашга модифицирланган ёндашув усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, клиник-лаборатор, иммунологик, функционал ва статистик тадқиқот усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти клиник-иммунологик тадқиқотлар асосида хусунбузар мужмуавий терапиясининг патогенетик асослаш бўйича акне ва функционал

диспепсия билан касалланган беморларда IFN γ , IL-4 миқдорлари камайиши фонида IL-1 β , IL-2, VEGF цитокинлар миқдори ортиши сабабли яллиғланишга хос ва қарши цитокинларнинг дисбаланси юзага келиши исботланганлиги, таклиф этилган даволаш усулида IL-1 β , VEGF, IL-10 ва IFN- γ миқдор кўрсаткичларининг узок муддатли (6 ва 12 ой) кузатув даврида муқим меъёрда сақланиши аниқланганлиги, модифицирланган ёндашувнинг иммункоррегирловчи самара ва яллиғланиш жараёнига қарши таъсири ортиши иммун тизими цитокин тизими балансига олиб келиши исботланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти акне ва функционал диспепсия билан касалланган беморларда *Helicobacter pylori* инфекцияси сабабли келиб чиққан яллиғланишли акне-элементлари намоён бўлишининг клиник манзараси аниқлаганлиги, иммунитет цитокинлари (IFN γ , IL-1 β , IL-2, IL-4, IL-10, VEGF) кўрсаткичлари миқдори ўзгаришларини аниқлаш асосланганлиги, функционал диспепсиянинг яширин симптомларини аниқлашга қаратилган саволлардан иборат сўровнома ва беморларда стандарт даволашга модифицирланган ёндашув усули ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Клиник-иммунологик тадқиқотлар асосида хусунбузар мужмуавий терапиясининг патогенетик асослаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгиллиги: илк бор акне ва функционал диспепсия билан касалланган беморларда *Helicobacter pylori* инфекцияси сабабли келиб чиққан яллиғланишли акне-элементлари намоён бўлишининг клиник манзараси (оддий акне/папуло-пустулез, кеч акне, конглобат акне шаклларида) кўринишлари ва яллиғланиш жараёнларининг (юз, юз ва бел, бел, кўкрак, бўйин ва бошнинг сочли қисмида) тарқалиши холатлари аниқланганлиги бўйича «Функционал диспепсия билан касалланганларда акнени комплекс даволашда иммуномодуляторлардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашнинг клиник-иммунологик мезонлари» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашининг 2023 йил 29 майдаги 23-м/043-сонли хулосаси) билан тасдиқланган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Тошкент вилоят ҳудудий филиали бўйича 15.08.2023 йилдаги №68-сонли ва Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Бухоро вилоят ҳудудий филиали бўйича 19.08.2023 йилдаги №60-сонли буйруқлари билан амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашининг 2024 йил 22-июлдаги №4-сонли маълумотномаси); *иккинчи самарадорлиги:* олинган натижалар функционал диспепсия билан касалланганларда акнени комплекс даволашда иммуномодуляторлардан фойдаланиш ўз навбатида даволаш тактикасини танлаш, касаллик асоратларини камайтириш ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилашга имкон яратади; *учинчи самарадорлиги:* илмий натижаларнинг Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Тошкент вилоят ҳудудий филиали ва

Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Бухоро вилоят ҳудудий филиали амалий фаолиятларига жорий этилиши касалларда акне ва функционал диспепсия билан касалланган беморларда акнени комплекс даволашда иммуномодуляторлардан фойдаланиш усулини қўллаш орқали бир беморни даволашга сарфланган маблағнинг 632000 сўмгача тежалиши асосланган. *Хулоса:* акне ва функционал диспепсия билан касалланган беморларда *Helicobacter pylori* инфекцияси сабабли келиб чиққан яллиғланишли акне-элементлари намоён бўлишининг клиник манзараси кўринишлари ва яллиғланиш жараёнларининг тарқалиши ҳолатлари аниқланган.

иккинчи илмий янгиллиги: илк бор акне ва функционал диспепсия билан касалланган беморларда IFN γ , IL-4 миқдорлари камайиши фонида IL-1 β , IL-2, VEGF цитокинлар миқдори ортиши сабабли яллиғланишга хос ва қарши цитокинларнинг дисбаланси юзага келиши исботланганлиги бўйича «Функционал диспепсия билан касалланганларда акнени комплекс даволашда иммуномодуляторлардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашнинг клиник-иммунологик мезонлари» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашининг 2023 йил 29 майдаги 23-м/043-сонли хулосаси) билан тасдиқланган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Тошкент вилоят ҳудудий филиали бўйича 15.08.2023 йилдаги №68-сонли ва Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Бухоро вилоят ҳудудий филиали бўйича 19.08.2023 йилдаги №60-сонли буйруқлари билан амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашининг 2024 йил 22-июлдаги №4-сонли маълумотномаси); *ижтимоий самарадорлиги:* олинган натижалар функционал диспепсия билан касалланганларда акнени комплекс даволашда иммуномодуляторлардан фойдаланиш ўз навбатида даволаш тактикасини танлаш, касаллик асоратларини камайтириш ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилашга имкон яратади; *иқтисодий самарадорлиги:* илмий натижаларнинг Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Тошкент вилоят ҳудудий филиали ва Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Бухоро вилоят ҳудудий филиали амалий фаолиятларига жорий этилиши касалларда акне ва функционал диспепсия билан касалланган беморларда акнени комплекс даволашда иммуномодуляторлардан фойдаланиш усулини қўллаш орқали бир беморни даволашга сарфланган маблағнинг 632000 сўмгача тежалиши асосланган. *Хулоса:* акне ва функционал диспепсия билан касалланган беморларда (IFN γ , IL-4, IL-1 β , IL-2, VEGF) яллиғланишга хос ва қарши цитокинларнинг дисбаланси юзага келиши исботланган.

учинчи илмий янгиллиги: илк бор акне ва функционал диспепсия билан касалланган беморларда таклиф этилган даволаш усулининг самарадорлиги сабабли IL-1 β , VEGF, IL-10 ва IFN- γ миқдор кўрсаткичларининг узоқ муддатли

(6 ва 12 ой) кузатув даврида муқим меъёрда сақланиши аниқланганлиги бўйича «Функционал диспепсия билан касалланганларда акнени комплекс даволашда иммуномодуляторлардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашнинг клиник-иммунологик мезонлари» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашининг 2023 йил 29 майдаги 23-м/043-сонли хулосаси) билан тасдиқланган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Тошкент вилоят ҳудудий филиали бўйича 15.08.2023 йилдаги №68-сонли ва Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Бухоро вилоят ҳудудий филиали бўйича 19.08.2023 йилдаги №60-сонли буйруқлари билан амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашининг 2024 йил 22-июлдаги №4-сонли маълумотномаси); *ижтимоий самарадорлиги*: олинган натижалар функционал диспепсия билан касалланганларда акнени комплекс даволашда иммуномодуляторлардан фойдаланиш ўз навбатида даволаш тактикасини танлаш, касаллик асоратларини камайтириш ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилашга имкон яратади; *иқтисодий самарадорлиги*: илмий натижаларнинг Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Тошкент вилоят ҳудудий филиали ва Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Бухоро вилоят ҳудудий филиали амалий фаолиятларига жорий этилиши касалларда акне ва функционал диспепсия билан касалланган беморларда акнени комплекс даволашда иммуномодуляторлардан фойдаланиш усулини қўллаш орқали бир беморни даволашга сарфланган маблағнинг 632000 сўмгача тежалиши асосланган. *Хулоса*: акне ва функционал диспепсия билан касалланган беморларда таклиф этилган даволаш усулининг самарадорлиги аниқлашда цитокинлар (IL-1 β , VEGF, IL-10 ва IFN- γ) миқдор кўрсаткичлари узок муддатли (6 ва 12 ой) кузатув даврида муқим меъёрда сақланиши аниқланган.

тўртинчи илмий янгиллиги: илк бор акне ва функционал диспепсия билан касалланган беморларда стандарт даволашга модифицирланган ёндашув (глюкозаминилмураamil-дипептид, эрадикацион антихеликобактериал терапия, тримебутин прокинетики, гастропротектор ребамипид, тофизопам транквилизатори, энтерол пробиотикини биргаликда қўллаш) сабабли иммункорреграторлари самара ва яллиғланиш жараёнига қарши таъсир ортиши иммун тизими цитокинлари балансига олиб келиши исботланганлиги бўйича «Функционал диспепсия билан касалланганларда акнени комплекс даволашда иммуномодуляторлардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашнинг клиник-иммунологик мезонлари» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашининг 2023 йил 29 майдаги 23-м/043-сонли хулосаси) билан тасдиқланган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Тошкент вилоят ҳудудий филиали бўйича 15.08.2023 йилдаги №68-сонли ва Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология

ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Бухоро вилоят ҳудудий филиали бўйича 19.08.2023 йилдаги №60-сонли буйруқлари билан амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашининг 2024 йил 22-июлдаги №4-сонли маълумотномаси); *ижтимоий самарадорлиги*: олинган натижалар функционал диспепсия билан касалланганларда акнени комплекс даволашда иммуномодуляторлардан фойдаланиш ўз навбатида даволаш тактикасини танлаш, касаллик асоратларини камайтириш ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилашга имкон яратади; *иқтисодий самарадорлиги*: илмий натижаларнинг Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Тошкент вилоят ҳудудий филиали ва Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Бухоро вилоят ҳудудий филиали амалий фаолиятларига жорий этилиши касалларда акне ва функционал диспепсия билан касалланган беморларда акнени комплекс даволашда иммуномодуляторлардан фойдаланиш усулини қўллаш орқали бир беморни даволашга сарфланган маблағнинг 632000 сўмгача тежалиши асосланган. *Хулоса*: акне ва функционал диспепсия билан касалланган беморларда стандарт даволашга модифицирланган ёндашув натижасида иммункоррегирловчи самара ва яллиғланиш жараёнига қарши таъсир ортиши иммун тизими цитокинлари балансига олиб келиши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 5 та, жумладан 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 115 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти, мақсад ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Функционал диспепсия билан оғриган беморларда вулгар хуснбузарларнинг клиник ва иммунологик хусусиятлари

(адабиётлар шарҳи)» деб номланган биринчи бобида ушбу мавзу бўйича хорижий ва маҳаллий адабиётлар бўйича илмий ва амалий маълумотлар муҳокама қилинган. Қайд этилишича, ушбу патологиядаги ижтимоий-эпидемиологик ва клиник ўзгаришларнинг кўплаб масалалари, терининг зарарланган ҳудудларида яллиғланиш жараёнларини кучайтирувчи хавф омиллари кўздан четда қолмоқда. Комбинацияланган патологиянинг кўп компонентли патогенезини, ошқозон-ичак трактининг патологик бузилишлари фонида тери кўринишларининг ривожланиши ва ривожланишининг функционал ва иммун-яллиғланиш асосларини ҳисобга олган ҳолда, терапия самарадорлиги масалалари, терининг асоратларини олдини олишнинг янада самарали усулларини ишлаб чиқиш мунозарали бўлиб қолмоқда. Турли хил тери зарарланишлари, шу жумладан акне учун цитокин ҳолати кўрсаткичларини аниқлаш муҳимлигига алоҳида эътибор берилади.

Диссертациянинг **«Клиник кўзатувлар ва тадқиқот усулларининг хусусиятлари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектининг хусусиятлари, кўйилган вазифаларни ҳал қилишни таъминлайдиган микробиологик, клиник ва функционал тадқиқот усуллари ва услубий ёндашувлар келтирилган.

Тадқиқот амалий табиатга эга бўлиб, функционал диспепсия фонида вулгар акне билан оғриган беморларни даволаш ва профилактика қилишнинг янги усулларини ишлаб чиқиш ва жорий этишга қаратилган. Тадқиқотда 15 ёшдан 35 ёшгача бўлган иккала жинсдаги беморлар иштирок этди: турли даражадаги *acne vulgaris* ташхиси бўлган 50 нафар (38,9%) эркаклар ва 77 (61,1%), беморлар ўртача ёши $24,1 \pm 0,73$ ни ташкил қилди.

Белгиланган терапевтик ва профилактик комплексга қараб, беморлар тасодифий сонлар жадвалидан фойдаланган ҳолда оддий рандомизация орқали икки гуруҳга бўлинган. Барча гуруҳлар жинси ва ёши бўйича таққосланди. Тадқиқот материалларини йиғиш 5 йил давомида 2018 йилгача 2023 йилгача амалга оширилди. Акне, унинг кечиши, терапия самарадорлигининг объектив хусусиятларини тўлиқ клиник кўринишини шакллантириш учун бир қатор дерматологик кўрсаткичлар, хусусан, “дерматологик акне индекси” (ДАИ), иммунологик ва микробиологик, тадқиқот усуллари қўлланилди. Терини дастлабки текшириш пайтида "дерматологик акне индекси" ни (ДАИ) аниқлаш билан яллиғланиш (папулалар, пустулалар, тугунлар, абсцесслар) ва яллиғланишсиз (очик ва ёпик комедонлар) акне элементларининг оғирлик даражаси аниқланди.

Ошқозон-ичак трактининг функционал касалликлари диагностикаси мезонларини такомиллаштириш бўйича халқаро ишчи гуруҳнинг келишув йиғилишининг қабул қилинган қарорига мувофиқ (Рим мезонлари IV, 2016 й.) эзофагогастроуденоскопия (ЭФГДС) ёрдамида акне билан оғриган беморларда "функционал диспепсия" ташхисини аниқлаш ва ўрнатиш учун тадқиқот ўтказилди, *Helicobacter pylori* инфекциясини текшириш учун нафас чиқарилган ҳавода уреаза фаоллигини биокимёвий ўрганиш, ОИТ аъзоларини УТ текшируви асосида *Helicobacter pylori* экспресс-ташхиси бажарилди.

Манчини (1963) бўйича радиал иммунодиффузиянинг умумий қабул

килинган усулига кўра, А, М ва G асосий учта синф иммуноглобулинларининг қон зардобидаги концентрацияси аниқланди. Цитокин ҳолати кўрсаткичлари қаттиқ фазали иммунфермент таҳлили билан аниқланди – интерлейкинлар IL-1 β , IL-2 IL-4 IL-10, гамма-интерферон (ИФН γ) ва репарация маркери VEGF.

Қон зардобидаги IgA, IgM ва IgG концентрацияси фермент билан боғлиқ иммуносорбент таҳлили (ELISA) ёрдамида аниқланди, цитокин ҳолатининг кўрсаткичлари интерлейкинлар IL-1 β , IL-2 IL-4 IL-10, интерферон- γ (ИФН γ) ва таъмирлаш белгиси - VEGF аниқланди.

Беморларнинг психоэмоционал ҳолатини аниқлаш учун тестлар ўтказилди, шу билан бирга саволларни танлаш Америка Дерматологлар Ассоциациясининг тавсияларига биноан, "ҳаётнинг дерматологик сифати индекси" деб номланган ҳаёт сифатини аниқлаш билан амалга оширилди. (Dermatology Life Quality Index - DLQI)». Мазкур DLQI индекси патологик тери ўзгаришларининг умуман беморнинг ҳаётига салбий таъсир даражасини аниқлаш имконини беради.

Тадқиқотнинг белгиланган мақсади ва вазифаларига мувофиқ, функционал диспепсия билан оғриган беморларда акне стандарт ва ўзгартирилган комплекс терапиясининг қиёсий хусусиятлари бўйича тадқиқотлар ўтказилди. Стандарт терапия тетрациклин антибактериал препаратларини қўллашни ўз ичига олган (Унидокс Солютаб таблеткалари-бир ой давомида кунига 100 мг 2 марта — цинк препаратлари-бир ой давомида кунига 50 мг 1 марта, ташқи антибактериал малҳам (Скинорен ёки Даласин кунига 3 марта), резорбция терапияси - ихтиол малҳами 10%, терапиянинг бутун давомийлигида эрталаб ва кечқурун.

Иккинчи гуруҳда, стандарт акне даволашдан ташқари, биз томонимиздан ишлаб чиқилган эрадикация, прокинетик ва цитопротектив терапия (КТ) комплекси буюрилган. Эрадикация терапияси даволаш режимига кунига 1000 мг амоксициллин 2 марта, кларитромицин 500 мг кунига икки марта ва протон помпа-ингибитори - рабепразол 20 мг 2 марта 14 кун давомида киритилишидан иборат бўлади. Прокинетик терапия - 200 ҳафта давомида кунига 3 марта тримебутин препаратини қўллаш. Цитопротектив терапия 100 ҳафта давомида кунига 3 марта ребамипид 4 мг препаратини даволаш режимига киритиш билан ифодаланади. Тинчлантирувчи ва анксиолитик таъсирга эришиш учун тофизопам даволаш режимига киритилган, иммунокоррекция таъсирига эришиш учун антихеликобактерия терапияси пайтида ёрдамчи терапия сифатида N-ацетилглюкозаминил-N-ацетилмурамил-дипептиди 0,01 г/сут дозасида (ликопид, *Lactobacillus bulgaricus* асосида иммуномодулятор) қўлланган. Ичак биоценозини яхшилаш учун эрадикация терапияси тугагандан сўнг, буларди сахаромицетлари пробиотики курси ўтказилди. Ўтказилган эрадикация терапиясининг самарадорлигини текшириш 4 ҳафтадан сўнг амалга оширилди, БДУТ тести ёрдамида хеликобактериознинг экспресс тести қўлланилди.

Тадқиқот материаллари стандарт дастурий маҳсулотларни қўллаган ҳолда персонал компьютерда ишлов берилди. компьютер ишлови ёрдамида олинган статистик маълумотлар ишланманинг махсус жадвалларида

тўпланди. Кейинроқ бу маълумотлар таҳлилий жадвалларга қайта шакллантирилди. Тадқиқот материалларининг статистик ишловини кейинги босқичи нисбий ва ўртача кўрсаткичларнинг ҳисоби бўлди. Кўрсаткичлар фарқланишлари $p < 0,05$ аҳамият даражасида статистик аҳамиятли деб топилди. Тадқиқотда ўрганилган хусусиятлар ўртасидаги муносабатни баҳолаш учун Спирмен корреляция коэффициентлари ҳисоблаб чиқилган. Ишончлилиқ Стьюдент Фишер мезони ёрдамида баҳоланди.

Диссертациянинг «**Акне ва функционал диспепсия билан оғриган беморларнинг клиник ва функционал хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобда акне ва функционал диспепсия ривожланишининг сабаблари, тери ҳолатининг ёмонлашишига олиб келадиган организмнинг коморбид ҳолатлари шаклланиши келтирилган.

2019 йилдан 2021 йилгача Республика клиник тери-таносил шифохонасида даволанган беморларнинг тиббий тарихининг ретроспектив таҳлили шуни кўрсатдики, беморларнинг 28% дан ортиғида у ёки бу даражада меъда-ичак патологияси белгилари мавжуд ва уларнинг аксариятида хилори-ассоциацияланган акне касаллиги мавжуд.

Акнени асосий ажралиб турадиган хусусиятлари унинг кечишида доимий такрорланиши, даволашнинг самарасизлиги, буларнинг барчаси биринчи навбатда патогенезнинг мураккаблиги, унинг мултифакториал этиологияси билан боғлиқдир. Шу билан бирга, марказий асаб тизими, автоном асаб тизимининг фаолиятидаги ўзгаришлар, меъда-ичак трактининг шикастланиши туфайли яллиғланиш реакцияси ривожланишини иммунологик механизмлари бузилиши биринчи ўринга чиқади, бу микробиоценоз, эндокрин ва бошқа кўшма патологияларнинг патологик ўзгаришларига олиб келади.

ФД билан оғриган беморларда акне иммунологик бузилишларнинг прогностик ахборотини аниқлаш, ҳамда комплекс терапияда иммун дисфункция профилактикасининг алгоритмини ишлаб чиқиш алоҳида долзарбликни намоён қилган, касалликнинг ривожланишини олдини олиш мақсадида бажарилган, унинг оптимал ечими шунда эдики, ушбу тоифа беморларни даволаш натижаларини сезиларли даражада яхшилаш имконини пайдо бўлди.

3 йиллик намунада акне билан оғриган беморлар сони 448 кишини ташкил этди. Улардан ВУ фонида меъда-ичак трактининг турли хил патологияси бўлган 125 бемор аниқлади, шу билан бирга ушбу намунадаги барча беморларда функционал диспепсия белгилари аниқланди, бу ВУ билан касалланган барча беморларнинг ўртача 28 фоизини ташкил этди. Бинобарин, меъда-ичак тракти патологиясининг акне ва ФД билан биргаликда аниқланган клиник манзараси, бизнинг фикримизча, *Helicobacter pylori* (Hp) мавжудлиги билан боғлиқ. ФД акне билан оғриган беморларда патологик жараённинг боришини ёмонлаштиради.

ФД фонида акне бўлган танланган беморларнинг умумий сони 127 нафарни, шу жумладан 17 ёшдан 35 ёшгача бўлган 50 (39,2%) эркаклар ва 77 (60,8%) нафар аёлларни ташкил қилди (1 жадвал).

1- жадвал

ФД фонида акне билан оғриган беморларни ёши ва жинсига кўра тақсимланиши

Жинси / Ёши	15-21 ёш		22 ёшдан катта		умумий миқдор	
	мутл.	%	мутл.	%	мутл.	%
Аёллар	58	45,7	19	14,9	77	60,6
Эркаклар	44	34,7	6	4,7	50	39,4
Беморларнинг умумий миқдори	102	80,4	25	19,6	127	100

ФД фонида акне 77 (80,4%) беморларда 15-21 ёш оралиғидаги беморларда аниқланган. Клиник тадқиқотларни асосий гуруҳида акне жараёнининг давомийлиги 1-5 йил бўлгани ташкил қилди. Бу беморларни умумий миқдорини 62% ини ташкил қилди.

Клиник манзарага мувофиқ, акненинг намоён бўлиш шаклига мувофиқ, беморларни тақсимланиш тоифаси қуйидагича бўлди: оддий хуснбузарлар/папуло-пустулез шакли - 80 (62,9%) нафар бемор; кеч акне – 22 нафар (17,31%); конглобат хуснбузарлари мавжуд беморлар – 25 (19,7%) нафар бемор.

Шу билан бирга, 34 беморда енгил акне (26,7%), 68 беморда ўртача (54,7%), 25 беморда оғир акне аниқланди, бу мос равишда 19,68% ни ташкил этди. Жинсга кўра, ўртача намоён бўлиш 50 (39,7%) аёлларда аниқланган, эркакларда эса қаттиқ акне устунлик қилган ва 13 (10,3%) ни ташкил этган.

Беморларни деярли ярмида (62 нафар бемор) яллиғланиш жараёнлари юз соҳасида, 31 беморда (21,6%) – юз ва белда зарарланишлар, 15 (11,9%) беморда – бел, кўкрак, бўйин, бошни сочли қисми терисида турли кўшма жараёнлар билан чекланган.

ФД беморларининг мазкур танловида патологиянинг ўртача давомийлиги $5,8 \pm 2,6$ ёшни ташкил қилди. Рим мезонларини IV ўқуви қоидаларига кўра, ФД диагностикаси ва унинг патология курсининг вариантлари (ЧД ва ППП шакллари) клиник кўриниш асосида, шунингдек унинг кучли намоён бўлиши ва интенсивлигини аниқлаш асосида амалга оширилди.

ФД фонида акне билан оғриган беморларни текширганда, асосий шикоятлар гастродуоденал соҳада оғриқли ҳислар, қорин соҳаси дам бўлиши, оз миқдорда озиқ-овқат истеъмол қилгандан кейин шишиш ҳисси ва тез тўйинганлик ҳисси, шунингдек, диспепсия, кўнгил айниши ва қичишиш бўлган. ФД билан оғриган беморларнинг 68% дан ортиғи эпигастрал соҳадаги оғриқлардан шикоят қилган. Беморларнинг 78,0 фоизида эпигастрал минтақада овқатдан кейин оғирлик ҳисси аниқланди, сўралган беморларнинг тахминан 70 фоизида ич шишиши ҳисси қайд этилди. Кичик миқдордаги овқат тановулидан кейин беморларнинг 80% тез тўйиб қолиши, беморларнинг ярмидан кўпида (54,5%) иштаҳа пасайиши, кекириқ 32% да, 40,6% да кўнгил айниши ҳужумлари, барча ФД беморларининг 64,0% да – турли интенсивлик даражасида жиғилдон қайнаши кузатилади. Барча қайд этилган шикоятлар юқори меъда-ичак трактида патологик ўзгаришларнинг ривожланишини

кўрсатади.

ФД фонида акне бўлган 56 беморда (44,4%) текширув асосида функционал диспепсиянинг ПДС шаклига хос бўлган клиник манзара аниқланди. Шундай қилиб, 29 беморда (21,8%) юқори меъда-ичак трактининг шишиши аниқланди, бу эса 18 нафар эркак (14,2%) ва 11 аёл (5,6%) беморга хосдир. Кекирик 23 беморда (18,1%), шу жумладан 20 эркак (15,7%) ва 4 аёлда (3,1%) аниқланди. 25 беморда кўнгил айниш (19,68%), шу жумладан 16 эркак (12,6%) ва 8 аёл (6,3%) аниқланган. Эпигастрал минтақада овқатдан кейин пайдо бўлган оғирлик шикоятлари 23 беморда (18,1%) қайд этилган, шундан 18 эркак (14,2%) ва 5 аёл (3,9%). Овқатдан кейин эпигастрал соҳада тўлиб кетиш аломатининг пайдо бўлиши 18 бемор (14,1%) беморда қайд этилган, шундан 12 эркак (9,4%) ва 6 аёл (4,7%). Кичик миқдордаги овқатни қабул қилишда тез тўйинганлик 4 аёл беморда (3,2%) учрайди ва фақат 10 эркак (8,5%) доимий очлик туйғусини қайд этди. Овқатдан кейин эпигастрал соҳада ноқулайлик ҳисси иккала жинсдаги 14 бемор (11,1%), шу жумладан 12 эркак (9,4%) ва 2 аёл (1,6%) томонидан қайд этилган.

Рационнинг бузилишида беморларнинг деярли ярмида (мос равишда 49,1%) ФД нинг хуруж босқичига тўғри келди. ФД кучайишининг иккинчи муҳим этиологик омили психоэмоционал стрессли вазиятларга (беморларнинг 35,7%), сўнгра 39 беморда спиртли ичимликларни истеъмол қилишга (30,9%) боғлиқ бўлган. Лаборатория тадқиқотлари натижалари шуни кўрсатдики, тезкор уреаза тестига кўра, акне ва ФД билан оғриган беморларда *H. pylori* беморларининг 101 нафарида (80,2%) аниқланган.

ЭФГДС маълумотларига кўра, қуйидаги натижаларга эришилди: 65 беморда (51,18%) шиллик қаватдаги патологик ўзгариш фақат ошқозон танаси ҳудудида ва 90 беморда (70,8%) ҳам танада ва антрал соҳасида юзаки гастрит шаклида аниқланган. Атрофик гастрит белгилари 12 беморда меъда танаси ҳудудида топилган, бу текширилган беморларнинг умумий контингентининг 6,7% ни ташкил қилган, антрал бўлимида бу мос равишда 12,6% ни ташкил қилган. Меъда танасида эрозив шиллик қават шикастланиши 4% ҳолларда (8 бемор), антрал ҳудудида 9% (18 бемор), 5 беморда антрал ва меъда танасининг комбинацияланган эрозияси (мос равишда 2,5%) аниқланган. 12 беморда ўн икки бармоқли ичак шиллик қаватининг эрозияси, 7 беморда гастродуоденал шиллик қаватнинг массив эрозив зарарланишлари аниқланди, бу мос равишда 6% ва 3,5% ни ташкил этди. Шунингдек, биз 4 беморда (2,2%) ўткир босқичда меъда ярасини аниқладик. Дуоденал меъда яраси 30 (23,6%) беморларда ташхис қўйилган, улардан: чандиқ-ярали ўн икки бармоқли ичак деформацияси билан - 2 бемор (1,5%); 9 беморда ўткир ўн икки бармоқли ичак яраси (7,0%); 1 бемор (0,8%) қўшма меъда ва ўн икки бармоқли ичак яраси аниқланган.

Диссертациянинг «**Акне ва функционал диспепсия билан оғриган беморларда иммунитет тизимининг дисфункцияси, комплекс терапиянинг патогенетик асосланиши**» деб номланган тўртинчи бобида текширувдаги беморларнинг иммун мақомини ўрганиш натижалари келтирилган.

63 беморда иммунологик тадқиқотлар ўтказилди ва клиник кўриниш даражасига қараб, беморлар қуйидагича тақсимланди: оғир даражадаги вулгар папуло-пустулар акне билан - 10 бемор; ўртача даражадаги вулгар папуло-пустулар акне билан – 2 бемор; 2 оғирликдаги тескари акне билан-6 бемор; 11 бемор, кечки оғир даражадаги акне; 12 бемор - ўртача оғирликдаги кеч акне ва 11 беморда конглобат акне аниқланган.

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ФД фониди ВУ билан оғриган барча беморларнинг қонида назорат кўрсаткичлари билан таққослаганда жараённинг жиддийлигидан қатъий назар сезиларли даражада ИЛ-1β цитокинини юқори қийматлари аниқланган (жадвал 2).

2- жадвал

ФД фониди акне билан оғриган беморларда қон зардобиди цитокинлар концентрациясининг кўрсаткичлари (даволашгача) (пг/мл) (M±m)

Цитокин	Соғломлар (n=21)	Оғирлик даражаси		
		Енгил (n=29)	Ўртача (n=29)	Оғир (n=33)
ИЛ-1 β	1,06±1,04	3,12±1,82*	3,22±1,42*	3,41±1,18*
ИЛ-2	0,81±0,12	8,44±0,72*	7,43±0,85*	5,53±2,43*
ИЛ-4	3,2±0,44	1,84±0,6*	1,89±0,7*	1,98±0,87*
ИЛ-10	16,1±2,1	37,13±18,68*	39,84±16,11*	45,91±17,25*
IFN-γ	18,7±3,1	8,8±3,7*	8,7±3,3*	8,59±3,42*
VEGF	53,45±34,53	99,12±36,7*	96,18±14,6*	92,23±44,56*

Изох: *-фарқланишлар меъёр билан қиёслашда ишончли, p < 0,05

Шунингдек, қиёслаш гуруҳида ФД фониди ВУ беморларини қони зардобиди ИЛ-10 кўрсаткичлари соғлом иштирокчилар кўрсаткичларига нисбатан юқори бўлиб қолмоқда (p<0,05).

ИЛ-10 цитокини таъсирининг асосий самараси IFN-γ прояллиғланиш цитокинининг фаоллиги супрессияси ҳисобланади, бу биз томонимиздан ўтказилган тадқиқотлардан олинган натижалар билан тасдиқланган, бунда терапиягача шартли соғлом донорлар кўрсаткичлари билан солиштирганда IFN-γ-цитокинининг миқдори камайиши белгиланган (p<0,05).

VEGF (томир эндотелиал ўсиш омил) оғирлик даражасидан қатъий назар, ФД фониди акне билан оғриган беморларда яллиғланишни маркери ҳисобланади, бунда ўсиш кўрсаткичлари меъёр билан қиёслашда ишончли фарқли бўлган.

Кузатувнинг мазкур гуруҳ беморларида касаллик клиник кечишини оғирлик даражасидан қатъий назар шартли соғлом донорлар кўрсаткичлари билан солиштирганда ИЛ-2 цитокинларини ошган миқдори ишончли бўлган (p<0,05).

ФД фониди акне билан оғриган беморларнинг қон зардобиди ИЛ-4 таркибининг пасайиши терапевтик даволаниш бошланишидан олдин ишончли тарзда аниқланди. Бу маълумотларнинг барчаси даволаниш бошланишидан олдин яллиғланиш жараёнининг хронизациясига, тез-тез қайталанишига ва энг муҳими, умумий қабул қилинган терапия протоколларига аниқ қаршилиққа

олиб келди. П-4 ни пасайган кўрсаткичлари бўйича олинган натижаларини, даволашгача бўлган барча оғирлик даражаларида ФД беморларида АК нинг узоқ давом этиши кузатилади, у клиник жиҳатдан намоён бўладиган, персистенция бўладиган торпид ҳолат сифатида, тез тез қайталанадиган ва анъанавий терапияга резистент ҳисобланади.

УБ ва ФД билан касалланган беморларни иммунологик кўрсаткичлари бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижасида бир томондан цитокинлар кўрсаткичларидаги ўзгаришлар ва, бошқа томондан тери элементларида яллиғланиш жараёнларининг намоён бўлиши даражаси орасида бевосита алоқа борлигини кўрсатди. УБ билан касалланган беморларда комплекс даволаш режаси ва алгоритмларини тузишда ФД ўрнининг етарлича баҳоланмаслиги беморларда даволаш ва реабилитация жараёнларининг самарадорлигини мураккаблаштиради, патологик яллиғланиш жараёнини сурункали жараёнга ўтказди ва бунда касаллик рецидивлари частотаси ошади. Бу ҳолатларни барчаси УБ беморларини даволашнинг модификацияланган комплекс ёндашувини илмий асосини ташкил қилади.

ФД мавжуд УБ беморларини модификацияланган даволаш тури ишланмасида қўшма патологиянинг мураккаб кўпкомпонентли патогенези, функционал ва иммун-яллиғланиш жараёнларини патогенетик алоқасига таъсир кўрсатувчи ва ўзаро таъсирланиш механизмларини тўхтатувчи замонавий дори воситаларини юқори самарадорлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Иммунитет фаоллигидаги бузилишларни коррекциялаш учун *Lactobacillus spp*, *Bifidobacterium spp*, *Saccharomyces boulardii* дан олинган - N-ацетилглюкозаминил-N-ацетилмурамил-дипептид (ГМДП) восита қўлланилди. Бу восита иммун тизими хужайраларининг барча популяциясига (макрофаглар, Т ва В-лимфоцитлар) таъсир кўрсатиш хусусиятига эга, бу эса уларда махсус хужайра ички рецепторлари борлиги билан боғлиқдир. Восита кунига 1 марта 10 мг дозада дастлабки 10 кун давомида *per os* берилган.

ФД мавжуд УБ беморларини даволашда транквилизация ва антиоксидант таъсирга эришиш учун кунига 2 марта 1 таблеткадан 15 кун давомида тофизопам (грандаксин) берилди, эрадикацион терапия якунида эса, ичак биоценозини яхшилаш мақсадида, кунига 2 марта 100 мг дан 10 кун давомида *Saccharomyces boulardii* (энтерол) курси ўтказилди.

ФД мавжуд УБ беморларида акнени комплекс даволашнинг таклиф этилаётган тартиби УБ ни оғирлиги ва давомийлигидан қатъий назар беморларни иммун мақоми кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатган.

Диссертациянинг «**Акне ва функционал диспепсия билан оғриган беморларда комплекс терапия самарадорлигини баҳолаш**» деб номланган бешинчи бобида ФД мавжуд акне билан оғриган беморларда қиёслаш тадқиқоти натижалари, стандарт ва комплекс терапия натижалари келтирилган.

ФД мавжуд акне билан оғриган беморларда комплекс терапияни қўллашни баҳолаш бўйича қўйилган масалаларни ечимини топиш учун барчча текширилган беморлар икки гуруҳга ажратилди. Бири – стандарт даволаш

